

САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 26 май куни ҳудудларда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари ташкил қилиш, уларни зарур инфратузилма билан таъминлаш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, бундай мажмуалар яхлит жойлашув, қулай коммуникация эвазига саноат ривожига катта туртки бўлади. Ўтган беш йилда юртимизда қўшимча 19 та эркин иқтисодий зона ва 400 дан зиёд кичик саноат зонаси ташкил этилиб, мингдан ортиқ лойиҳа амалга оширилди. Натижада 100 мингта иш ўрни яратилиб, йилига 45 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, саноат зоналаридаги корхоналар йилига 750 миллион долларлик экспорт ва 1 триллион сўмдан зиёд солиқ тушумларини таъминламоқда.

Яна бир муҳим жиҳати, ҳар бир туманга, олис ва чекка ҳудудларга саноат кириб бормоқда. Хусусан, илгари саноат умуман бўлмаган 11 та туманда 205 та янги корхона иш бошлади.

Аслида, салоҳият, марралар бундан-да юқори. Лекин уларни ҳаётта таъбиқ этишда суст-кашлик ҳолатлари кўп. Айрим кичик саноат зоналарининг бош режаси ҳалигача тасдиқланмагани, яна базилари инфратузилма билан тўлиқ таъ-

минланмагани сабабли тайёр лойиҳалар бошланмасдан турибди.

Бундан ташқари, саноат зоналарида иш бошлаш учун беш босқичли жараёндан ўтиб, ўндан ортиқ ҳужжатлар йиғиш кераклиги тадбиркорларга қийинчилик туғдирмоқда.

Президентимиз бу масалаларни ҳал этиш саноатни ривожлантириш ва иш ўринларини кўпайтиришда муҳим эканини таъкидлади.

— **Бозор иқтисодиётида ҳар бир туманга, ҳар бир маҳаллага инвестиция кириб бориши керак, — деди давлатимиз раҳбари. — Жорий йилнинг ўзига 2 мингта лойиҳани амалга ошириш, 110 мингта янги иш ўрни очиш ва 1 миллиард доллар қўшимча экспорт қилиш мумкин. Бугунги муҳокамамиз замирида шу мақсад ётибди.**

Йиғилишда саноат зоналарида бўш турган 6 минг 600 гектар майдонни электр энергияси, сув, йўл ва бошқа шароит-

лар билан таъминлаш чоралари муҳокама қилинди. Бунинг учун 1 триллион 500 миллиард сўм ёки 2021 йилга нисбатан 2 барабар кўп маблаг ажратилиши белгиланди.

Ҳудудларда текстиль-бўёқ ва терини қайта ишлаш бўйича кўплаб янги лойиҳалар тайёрланган. Бунинг учун марказлашган тозалаш иншоотлари зарур. Шу боис бундай корхоналар учун танланган жойларда замонавий тозалаш иншоотлари қуриш бўйича кўрсатма берилди.

Маълумки, 200 миллиард сўмдан юқори бўлган лойиҳалар инфратузилмаси учун харажатларни давлат томонидан молиялаштириш жорий қилинган. Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона ва Тошкент вилояти тадбиркорлари бу имкониятдан фойдаланиб, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича 630 миллион долларлик лойиҳалар ташаббуси билан чиққан.

Шундай лойиҳалар учун жорий йилда ҳудудларга 170 миллиард сўм ажратилиши қайд этилди. Вилоят ҳокимлари

бошқа ҳудудларга бориб, бир-бирининг тажрибасини ўрганиши муҳимлиги таъкидланди.

Самарқандда 300 гектар майдонда янги махсус саноат зонаси ташкил этилиши айтилар экан, у ерда бизнес учун қулай шароитлар яратиш, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган лойиҳаларни шакллантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари саноат зоналарида иш бошлашдаги бюрократияга алоҳида тўхталиб ўтди. Бу борадаги тартибни соддалаштириш чоралари белгиланди. Унга кўра, эркин иқтисодий зоналарда амалга оширилаётган лойиҳаларни экспертиза қилиш ваколати Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига ўтказилади. Импортда имтиёзларни қўллаш учун Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказининг хулосасини олиш тартиби бекор қилинади.

Шу пайтгача саноат зоналаридаги ерлар аукционга ҳокимлик томонидан қўйилар эди. Энди инвестиция мажбуриятлари белгиланиб, мазкур зона-

ларнинг дирекциялари томонидан чиқарилади. Шунингдек, инвестиция мажбуриятлари тўлиқ бажарилганидан кейин аукцион орқали олинган объектларни хусусийлаштиришга рухсат берилади.

Буларнинг ҳисобига саноат зоналарига лойиҳаларни жойлаштириш жараёнидаги босқичлар сони камайиб, бунга келадиган вақт 3 ойдан 1 ойгача қисқаради.

Президентимиз кичик саноат зоналарида узоқ йиллардан бери фаолият юритиб келаётган тадбиркорларнинг ер ва бино-иншоотлари билан боғлиқ масалаларини ҳал қилиш бўйича ҳам топшириқ берди.

Маҳсулотларнинг экспорт-боплигини, халқаро стандарт ва истеъмолчи талабларига мослигини таъминлаш учун айрим саноат зоналарини хорижий компанияларга бошқарувга бериш, улардан инвесторларни жалб қилиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан ҳокимлар ҳисобот берди, тадбиркорлар таклифларини билдирди.

Ў.А.

Сенат ялпи мажлиси олдидан

ҲАР БИР МАСАЛА ҚЎМИТАЛАР ЙИҒИЛИШЛАРИДА ЧУҚУР ТАҲЛИЛДАН ЎТКАЗИЛМОҚДА

Шу йилнинг 28 май куни ўз ишини бошлайдиган Олий Мажлис Сенати йиғирма олтинчи ялпи мажлисида мамлакатимизда олиб борилаётган илчил ислохотлар жараёнида муҳим роль ўйнайдиган қонунлар ҳамда бошқа қатор масалалар кўриб чиқиши режалаштирилган. Шу сабаб аynи пайтда ҳар бир масала парламент қўмиталари мажлисларида чуқур таҳлилдан ўтказилмоқда.

Парламент сўровидаги аксарият саволларга етарлича жавоб берилмаган

Ахборот сиёсати ва давлат органларида очикиликни таъминлаш масалалари қўмитаси йиғилишида интернет жаҳон ахборот тармоғида ёшлар ва воёга етмаганлар учун миллий контентни ривожлантириш, уларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданияти ва зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш масалалари юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали ёшларнинг ҳаётига хавф солаётган, маънавий онгига салбий таъсир қилувчи ахборот хуржла-

рининг олдини олишга қаратилган икбий ишлар олиб боришмоқда.

Жумладан, ёшларни, айниқса, болаларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш, шу соҳадаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган.

Интернет жаҳон ахборот тармоғи “UZ” доменида фойдали, маърифий ва мавзули веб-ресурсларни яратиш мақсадида жами 572 та стартап-лоиҳа эълон қилинган. Фойдали веб-ресурслар, интернет лойиҳалари, мобил илова ва дастурларни яратувчи муаллиф ва дастурчилар сонини янада кўпайтириш, ёшларнинг дастурлаш тилларига қизиқишини кучайтириш мақсадида “Бир миллион дастурчи” лойиҳасида ёшлар иштирокини кенгайтириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма олтинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма олтинчи ялпи мажлиси 2022 йил 28 май куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис видеоконференцалоқа тарзида ўтказилиши режалаштирилган.

Ялпи мажлис Сенатнинг YouTube тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ КЕЙИНГИ БОСҚИЧИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРНИНГ ЗАМОН ТАЛАБИГА МОСЛАШТИРИЛИШИГА УЗВИЙ БОҒЛИҚ

Конституцияга ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссиянинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, экспертлар гуруҳи ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда Конституциявий комиссия олдида қўйилган мақсад ва вазифалар, тамойиллар, конституциявий ислохотларни амалга оширишга оид чораларни кўриш масалалари муҳокама қилинди.

Конституциявий комиссияда

Қайд этилганидек, бугун мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ва илчил ислохотлар, жамиятимизнинг шиддатли тараққиёти Бош қомусимизни бугунги реал воқеликка, кечаётган демократик янгиланишлар мантиғига мослаштиришни, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратишни муҳим вазифага айлантирмоқда.

Шу сабабли мамлакатимизда ушбу муҳим конституциявий ислохотлар жараёнига киришилди.

Хусусан, мамлакатимиз парламенти учун ўтган ҳафта давлатимиз ҳамда жамиятимиз ҳаётининг конституциявий ҳуқуқий асосларини барқарор ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, янги Ўзбекистонни бунёд этишга қаратилган жараёнда бошланиши билан боғлиқ муҳим воқеаларга бой бўлди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги янги босқичида жамият ҳаётининг барча соҳасида амалга оши-

рилаётган тизимли ислохотлар конституциявий базани такомиллаштириш ва мустаҳкамлашни тақозо этмоқда. Давлатимиз тараққиётининг кейинги босқичи ҳам ҳуқуқий асосларнинг замон талабига мослаштирилишига узвий боғлиқ.

Бугун халқимиз ва давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ҳаётнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, Тараққиёт стратегиясида белгиланган олижаноб мақсадларга эришиш гоёси атрофида жипслашмоқда. Халқимиз барча ислохотлар марказида инсон омили биринчи ўринга қўйилган бир шароитда яшаш қанчалик бахт ва саодат эканини ўз тақдир мисолида ҳис қилаётир.

Кўп миллатли мамлакатимиз тараққиётнинг ҳозирги босқичида илгари сурилаётган моҳиятан мутлақо янги вазифалар, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида акс этган эзгу мақсадлар, умидбахш интилишлар шунга мос конституциявий-ҳуқуқий макон яратилишини зарурат

қилиб қўймоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан ҳам мамлакатимизда конституциявий ислохотнинг бош ғоявий илҳомлантурувчиси, асосий ташаббускори халқимиз эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Бош қомусимиздаги ўзгаришлар “Инсон қадрини унун”, “Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат” тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада юксалтириш, мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлашга қаратилган ислохотларни қатъий давом эттириш учун мустаҳкам пойдевор бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Зеро, янги Ўзбекистонни бунёд этиш асосида конституциявий ислохотларни амалга ошириш Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни шакллантириш ҳамда тегишли таклифларни ишлаб чиқиш борасида бошланган ишлар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, конституциявий ислохотларни амалга оширишда “инсон — жамият — давлат”, “Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат” тамойилларини, “Инсон манфаатлари” иқтисодий ислохотларнинг бош мезони”, “Жамият — ислохотлар ташаббускори” сингари эзгу ғояларни Бош қомусимизда акс эттириш лозим.



МАМЛАКАТИМИЗДА ГУРУЧ ТАҚЧИЛЛИГИ ЙЎҚ

Шоли бундан 7-8 минг йил бурун маданий усулда етиштирила бошланган.

Хар йили Ер юзида 500 миллион тонна атрофида гуруч етиштирилади.

Шоли сувда ўсадиган ягона бошоқли ўсимлик ҳисобланади.

Гуруч оқ, сариқ, қизил, кўнгир, ҳатто қора рангда бўлади.

Япон автомобили — “Toyota”нинг луғавий маъноси “ҳосилдор гуруч даласи” экан.

Гуруч таркибида умуман туз бўлмаганлиги сабабли у юрак-қон томир, буйрак етишмовчилиги касалликлари ҳамда ортиқча вазндан қутулишни истаган кишиларга тавсия этилади.

ДУНЁНИГОҲИ

«OIC Today»: ЎЗБЕКИСТОННИНГ РАИСЛИГИ ШҲТ ДОИРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЮҚОРИ ДАРАЖАГА КЎТАРИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ

Ислом ҳамкорлик ташкилотининг расмий “OIC Today” журналича “Ўзбекистоннинг ШҲТга раислиги: самарали шериклик, узоқ муддатли мақсад ва вазифалар” сарлавҳали таҳлилий мақола эълон қилинди.



Материалда Ўзбекистонда мамлакатнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги доирасида қатор халқаро тадбирлар ўтказилаётгани қайд этилади.

Хусусан, унда 19-20 май кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ШҲТга аъзо давлатларнинг туризм вазирларининг учрашуви ҳамда “ШҲТ мамлакатлари ҳамкорлигининг янги босқичи: туризм ва маданий мерос” мавзусидаги халқаро форумда сайёҳлик соҳасини янада ривожлантириш, туризм ва маданий мерос йўналишидаги ҳамкорлик, қўшма туристик йўналишларни жорий этиш, транспорт-логистика имкониятларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди, дейилади.

Мақолада ёзилишича, йиғилиш иштирокчилари ШҲТ маконини яқин йилларда тўлиқ рўёбга чиқариши керак бўлган улкан туризм бозори эканлиги ҳақида қадим фикр билдирган. Ушбу мақсадга эришиш учун туризм соҳаси раҳбарлари ўринбосарлари даражасида доимий фаолият юритувчи мувофиқлаштирувчи гуруҳни ташкил этиш, туризм бизнеси билан мулоқот ўтказиш, ШҲТга аъзо давлатлар ўртасидаги энг оммабоп манзиллар ва йўналишлар маълумотлар базасини шакллантириш, турли масалаларни ўрганиш орқали аниқ таклифлар ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Тадбирлар чоғида туризм соҳасини ракамлаштириш, “аккли” ва “яшил” технологиялардан фойдаланиш, маҳсулот ва хизматлар савдоси учун

электрон тижоратни кенг жорий қилиш ҳамда бу жараёнда ШҲТ мамлакатлари ёшларини жалб этиш бўйича ҳам вазифалар белгилаб олинди.

“OIC Today” нашрида ёзилишича, мазкур тадбирларда Ўзбекистонда туризм соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, саёҳатчилар учун шароит яратиш, туризм инфратузилмасини яхшилаш борасида амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирларга юксак баҳо берилди. Халқаро ҳам-жамият томонидан кенг эътироф этилган янгиланишлар самараси мамлакатга сайёҳлар оқимининг жадал суръатларда ошиб боришида яққол намён бўлмоқда.

Ўзбекистонга саёҳат қилувчилар ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатида киритилган 8,4 мингдан ортиқ маданий мерос объектларини томоша қилиши мумкин. Республикада тарихий обидаларни асраб-авайлаш ва таъмирлаш ишлари билан бир қаторда, туризмнинг замонавий турлари — гастрономик, соғломлаштириш, зиярат, қишки, тоғ, агро, этно ва экотуризм, шунингдек, археологик ва бошқа турлари ҳам жадал ривожланмоқда.

“The New York Times”, “The Guardian”, “The Independent”, “Global Muslim Travel Index”, “National Geographic Traveler Awards”, “Lonely Planet” ва бошқа дунёга машҳур нашрлар ўз ўқувчиларига Ўзбекистонни сайёҳлик йўналиши сифатида танлашни тавсия қиладди, деб ёзилади журналда.



«OIC Today»: ЎЗБЕКИСТОННИНГ РАИСЛИГИ ШХТ ДОИРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЮҚОРИ ДАРАЖАГА КЎТАРИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ

«OIC Today» журналида ёзилишича, Тошкентда ШХТга аъзо давлатларнинг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга масъул вазирлик ҳамда идоралари раҳбарларининг йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Унинг кун тартибидан жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлатларaro ва ҳудудларaro алоқаларни мустаҳкамлаш, қўшма мусобақаларни юқори савияда ташкил этиш, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш масалалари ўрин олган. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, навқирон авлодни жисмоний тарбияга кенг жалб этиш юзасидан фикр ва тажриба алмашилди.

Мақола муаллифларининг ёзишича, Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳамда оммалаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Кейинги беш йилда бу борада кенг қўлпamли ишлар амалга оширилди.

Спорт Ўзбекистон ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган, деярли ҳар йилида журналда. Сўнгги йилларда мамлакат бўйлаб спорт-техник базалар қайта жиҳозланди, реконструкция ишлари амалга оширилди, янги иншоотлар барпо этилди, ёшлар учун зарур инфратузилма изчил яратилмоқда. Сув спорти саройи қурилиши давом этмоқда. Умуман, Ўзбекистонда 50 мингдан ортиқ спорт иншоотлари фаолият кўрсатмоқда.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, навқирон авлодни спортга кенг жалб этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш давлатнинг доимий эътиборида. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон жорий йил март ойида ШХТга расмий равишда доирасида кенг жамоатчилик эътиборини тортган ШХТ Тошкент халқaro марафонини ўтказгани қайд этилади.

Мақола якунида Ўзбекистон пойтахтида бўлиб ўтган тадбирлар якунлари бўйича аниқ мақсад ва вазифалар ишлаб чиқилгани, жорий йил сентябрь ойида бўлиб ўтадиган саммит чоғида томонлар имзолайдиган келишувлар тузилган айтилади. Журналда сўнгсўз ўрнида ШХТнинг қадимий Самарқандда бўлиб ўтадиган саммити тузилмага аъзо давлатларнинг тарихий яқин муносабатларини янги босқичга кўтариш имконини бериши таъкидланади.

Ташқи ишлар вазирлиги
Матбуот хизмати.

ҲАР БИР МАСАЛА ҚЎМИТАЛАР ЙИГИЛИШЛАРИДА ЧУҚУР ТАҲЛИЛДАН ЎТКАЗИЛМОҚДА

Бугунги кунда барча туман ва шаҳарларда замонавий компьютерлар билан жиҳозланган 205 та рақамли технология ўқув маркази (IT-марказ) ташкил қилинган. Тадбирда парламент сўровидаги акциярият саволларга етарлича жавоб берилмагани ҳам айтиб ўтилди. Қолаверса, мактабга таълим ташкилотлари тарбияланувчилари, умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчилари учун қўндалик ҳаётида кўп ишлатиладиган телефон, компьютер ва шу каби бошқа қурилмаларнинг фойдали ҳамда зарарли томонларини ўзида акс эттирувчи видеомасхулотлар, кўргазмali ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этишга етарлича эътибор қаратилмаган.

Шунингдек, мажлисда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонуннинг Туризм ва маданий мерос вазирлиги томонидан икרו этилишини ўрганиш якунлари муҳокама қилинди.

Унда вазирлик, унинг таркибий ва ҳудудий бошқармаларида очиклиқни таъминлаш йўналишида йўл қўйилган камчиликлар аниқ кўрсатиб ўтилди. Масалан, вазирлиқнинг 2021 йилдаги фаолиятига оид ҳисоботини жорий йил 1 апрелга қадар жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш учун матбуот анжумани ўтказилмаган, вазирлик фаолиятига оид ахборот тасдиқланмаган. Шунингдек, ахборот олишга доир сўровларни кўриб чиқишнинг умумий натижалари ҳақидаги маълумот эълон қилинмаган, ўз фаолиятига оид маълумот ахборот-кутубхона ва архив фондларига тақдим этилмаган, расмий веб-сайтни юритиш ишлари эътиборсиз қолдирилган.

Айрим очик маълумотлар расмий веб-сайти ҳамда Очик маълумотлар портали (data.gov.uz)да эълон қилинмаган.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Хоразм ва Бухоро вилоятлари Туризм ва маданий мерос бош бошқармалари томонидан қўнқчиликда белгиланган вазифалар умуман бажарилмаган.

Ер участкаларини жамоат эҳтиёжи йўлида олиш учун компенсация тўлаш тартиб-таомиллари белгиланмоқда

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси йиғилишида ушбу тузилма томонидан муҳокамага чиқарилаётган “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги ҳамда “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республи-



касининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунлар кўриб чиқилди.

Кайд этилганидек, кўпдан буён ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий ҳуқуқларини қўқайтириш масаласини қонун даражасида ҳал этиш эътиборда бўлиб келяпти. Негаки, ер участкаси ёки унинг бир қисmini жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишнинг аниқ тартиб-таомиллари ва механизми қонунчиликда аниқ белгиланмагани боис амалиётда тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда.

Шулардан келиб чиқиб, янги қонунда жисмоний ва юридик шахслар ер участкаси ёки унинг бир қисmini жамоат эҳтиёжлари учун олиниши тўғрйли ер ва ундаги кўчмас мулклар учун компенсация тўлаш тартиб-таомиллари белгиланмоқда. Компенсация эвазига ер участкаси жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши асос бўладиган ҳолатлар рўйхати аниқ қилиб кўрсатилган.

Қонунга мувофиқ, олиб қўйилган ер участкасида ўзбошимчилик билан қурилган тураржойлар, ишлаб чиқариш ҳамда бошқа бинолар ва иншоотлар бозор қиймати тўлиқ ҳажмида қопланади.

Қўндалик ҳаётдаги бу ҳолат билан боғлиқ қатор муаммолар ҳам ўзининг қонуний ечимини топтомоқда.

Қўмита мажлисида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2021 йил ва 2022 йилнинг биринчи қорати якунлари бўйича ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, 2021 йилда дунё бўйича қўлаб давлатларнинг иқтисодиётида тикланиш кузатилган, жумладан, ўз вақтида оқилана олиб борилган фискал ва монетар сиёсат натижасида Ўзбекистон иқтисодиёти бу даврда 7,4 фоиз ўсиб, ЯИМ ҳажми 734 трлн. 600 млрд. сўмини ёки 69,2 млрд. долларни ташкил этган, шунингдек, 2022 йилнинг I қоратида ЯИМ 5,8 фоизга ўсган. Айни чоғда ялли қўшилган қиймат 2021 йилда 7,5 фоизга қўйилди, 681 трлн. 400 млрд. сўмини ташкил этган.

Шунингдек, 2021 йилда Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси 2020 йилдагига нисбатан

16 фоизга ўсиб, 42,1 млрд. долларга етган. Давлат бюджети даромадлари 164 трлн. 800 млрд. сўмини ташкил этиб, белгиланган 147 трлн. 700 млрд. сўм прогнози 111,6 фоизга ёки 17 трлн. 100 млрд. сўмга ошириб бажарилган.

2022 йилнинг I қоратида Давлат бюджети даромадлари белгиланган 39,1 трлн. сўм прогнози амалда давлат мақсади жамғармаларисиз 41,9 трлн. сўмга ёки 2,8 трлн. сўмга ошириб бажарилган. Даромадлар ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 8 трлн. сўмга қўйилган.

Шунингдек, сўнгги йилларда солиқ сиёсатининг ўзгартрилиши, илгари берилган солиқ имтиёзларининг бекор қилиниши, иқтисодий секторларда олиб борилаётган ислохотлар Давлат бюджети даромадлари ўсишида муҳим омил бўлгани таъкидлаб ўтилди.

Ўрганиш натижасида электрон платформага киритилган 125 млн. дона қўчат экилгани тасдиқланди

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2021 йил ва 2022 йилнинг биринчи қорати якунлари ижроси муҳокама қилинди. Унда асосан экология ва агро-фурхит муҳофазасини таъминлаш, Орол денгизи қуриган туби ва Оролбўйи ҳудудларида “яшил қопламалар” барпо этиш мақсадида Давлат бюджетидан йўналтирилган маблағлар сарфланиши таҳлилдан ўтказилди.

Шу мақсадда 2021 йилда 5 524,1 млрд. сўм, 2022 йил I қоратида эса 663,6 млрд. сўм йўналтирилган. Оролбўйи ҳудудида “яшил қопламалар” барпо этиш учун Орол денгизининг қуриган туби ва Оролбўйи ҳудудларида 631,6 минг гектар “яшил қопламалар” барпо этилган.

Ўз навбатида, ўрмон ҳўжаликлари томонидан Орол денгизининг қуриган туби ва Оролбўйи ҳудудлари ҳамда Давлат ўрмон фонди ерларида 206 минг гектарлик ўрмонлар барпо қилинган. Ўрмончилик тадбирлари учун ҳамда 493 тонна дарахт, буталар ҳамда қўл ўсимлиқларнинг уруғлари тайёрланган. Суғорилмадиган қишлоқ ҳўжалиги экинлари дала четларида 1,03 минг гектар майдонда иқотазорлар бунёд этилган.

Бундан ташқари, ўрмон ҳўжаликлари томонидан жорий йил I қоратида 257 гектар

майдонда доривор ва озқабоб ўсимликлар плантациялари ташкил қилинган.

Мажлисида Президентимизнинг “Республикада қўқаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш қоратдбирлари тўғрисида”ги Фармониға асосан, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ижроси юзасидан Экология ва агрофурхитини муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ахбороти ҳам тингланди.

Лойиҳани амалга ошириш учун вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар томонидан 64 млрд. сўмдан зиёд маблағ ажратилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон ҳўжалиги қўмитаси тизимидаги 16 та ўрмон ҳўжаликларида 250 гектарлик иқлимға мос қўл ўсимлиқларидан таркиб топган қўчат-хоналар очилган.

Ўрганишлар натижасида электрон платформага киритилган қўчатлардан 125 млн. донаси экилгани тасдиқланган.

Тадбирда амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, муайян хато ва камчиликларға йўл қўйилгани ҳам айтилди. Масалан, Тошкент — Самарқанд — Бухоро йўналишининг Сирдарё вилоятидан ўтувчи 3443-километрида М39 автйўл билан темир йўл химоя тўсизлигига бўлган майдонға экилган 3 минг 210 туп элдор қарағайи ва 520 туп терак қўчати қўриб қолган. Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан қўчатчиликға иқтисослаштирилган ҳўжаликлар учун янги фойдаланишға қиритилган ерлардан қамидга 5 гектар ер ақратиш вазифаси бажарилмаган. Жиғзаҳ вилояти ҳокимлиги томонидан Арнасой, Мирзақўл, Пахтакор, Зафаробод туманларида лойиҳа доирасидаги ишлар етарли даражада амалға оширилмаган.

Эндиликда ерлар электрон онлайн-аукцион орқали фақат ижара ҳуқуқи асосида ажратилади

Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси мажлисида “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофлиқни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишонқли химоя қилиш ва уларни бозор активға айлантириш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, қонунда эндиликда ерлар электрон онлайн-аукцион орқали фақат ижара ҳуқуқи асосида ажратилиши ҳамда қонун билан Ер кодексига киритиллаётган ўзгаришларға қўра, очик электрон танлов орқали қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларни ижараға бериш ҳуқуқини қўлга киритган шахсларға ўша ҳудуд ҳокими тасдиғи шарт бўлмаслиғи белгиллаб қўйилмоқда.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ КЕЙИНГИ БОСҚИЧИ

ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРНИНГ ЗАМОН ТАЛАБИГА МОСЛАШТИРИЛИШИГА УЗВИЙ БОҒЛИҚ



Ўтган давр мобайнида комиссияға фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, туризм, қишлоқ ҳўжалиғи, экология, хусусий мулк химояси, суд-ҳуқуқ ва бошқа масалаларға оид қўлаб тақлифлар келиб тушгани қайд этилди. Конституцияға ўзгартириш ва қўшимчалар киритишға оид

тақлифларни олиш, умумлаштириш, уларни қайта ишлаш ҳамда белгиланган тадбирларни ўз вақтида амалға ошириш ишларининг муҳимлиғи, долзарблиғи ва қўламини инобатға олган ҳолда комиссия йиғилишида гуруҳлар фаолияти ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда комиссия ишини ташкил этиш, унинг ҳузуридаги ишчи гуруҳлар таркиби ва уларнинг вазифалари тақсимоти, Конституциямиға ўзгартиш ва қўшимчалар киритишға қаратилган тақлифларни олиш, умумлаштириш ҳамда уларға жавоб қайтариш бўйича ишни ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Комиссия матбуот хизматининг медиа-режаси муҳокама қилинди.

Айни дамда Конституциявий комиссия матбуот хизмати ҳамда тақлифлар билан ишлаш гуруҳи олдида муҳим вазифалар тургани айтилиб, илмий-тадқиқот ташкилотларининг, олимлар ва мутахассисларнинг тавсиялари, экспертларнинг ҳулосалари, кенг жамоатчиликдан тушаётган тақлифларнинг умумлаштирилиши бўйича устувор вазифалар белгиллаб олинди.

Конституциявий комиссия ишиға кенг жамоатчиликни жалб этиш, ушбу жараёнда барча аҳоли қатламининг иштирокини таъминлаш, фуқаролардан келиб тушаётган тақлифларни шакллантириш ва ташкилий қоратдбирларни амалға ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бирға, комиссия Матбуот хизмати конституциявий ислохотларнинг, конституциявий аниқликларнинг зарурияти, устуворликлари ва асосий йўналишларини оддий фуқаро учун содда ва тушунарли тилда етказиш бўйича зарур қораларни қўриши лозимлиғи қайд этилди. “Жамият — ислохотлар ташаббусқори” бош ғояси асосида фаолият кўрсатувчи махсус ахборот платформаси ҳақида маълумот берилди.

Йиғилиш якунида комиссия фаолиятини самарали йўлга қўйиш бўйича тегишли қарор қабул қилинди. Шунингдек, Конституциявий комиссиянинг оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда блогерлар учун брифинги бўлиб ўтди.

Конституциявий комиссия Матбуот хизмати.

ЖОРИЙ ЙИЛДА 312 ТА ГЕОЛОГИК ЛОЙИҲА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноят, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан “Кон-металлургия санояти ва унга боғлиқ соҳаларни ривожлантириш истиқболлари” мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда депутатлар, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси вакиллари, Олмалик кон-металлургия комбинати ходимлари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Давра суҳбати

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда ҳудудларни барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири бўлган минерал-ҳомашё базасини мустаҳкамлаш, ер қазирни геологик жиҳатдан ўрганиш, фойдали қазилмалардан фойдаланиш, муҳо-

фаза қилиш соҳасини бошқариш ва назорат қилиш тизимини тақомиллаштириш бўйича комплекс қоратдбирлар амалға оширилмоқда.

Хусусан, соҳани ривожлантириш ҳамда геология-қидирув ишлари самарадорлиғини ошириш бўйича

жорий йилда 312 та геологик лойиҳани амалға ошириш учун бюджетдан 1 триллион сўм маблағ йўналтирилган. Бу олтин, қумуш, уран, мис, қўрғошин, рух, вольфрам, кўмир, оҳақтош, базальт, кварц ишлаб чиқариш ҳажминини янада оширишға хизмат қилади.

Тадбирда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўриб чиқилаётган “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси депутатлар, мутахассислар томонидан атрофлича муҳокама этилди.

Мазкур қонун лойиҳаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан фойдали қазилмаларни геологик ўрганиш ва қазиб олиш ҳамда уларни муҳофаза этиш муносабатларини тар-

тибға солишға қаратилгани билан аҳамиятлидир. Қонун лойиҳасида ер ости бойлиқларидан фойдаланиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари рўйхати ва уларнинг ваколат доиралари аниқ белгиланяпти.

Шу билан бирға, ер қазир участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи рухсатноманинг барча тури танлов орқали берилиши, истисно ҳоллардагина тўғридан-тўғри музокаралар орқали берилиши мустаҳкамланмоқда.

Ер қазир участкаларидан фойдаланувчилар учун минимал талаблар аниқ ҳамда очик тарзда келтирилмоқда, ер қазир участкаларидан фойдаланиш тартиб-таомиллари тақомиллаштирилаётди.

Иштирокчилар қонун лойиҳасида фойдали қазилмаларға бўлган ҳуқуқларни тақдим қилишнинг рақобатға асосланган шароитларини белгиллаш, ер ости бойлиқларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини қўқайтириш бўйича тақлиф ва тавсиялар берди. Умуман, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши тўғридан-тўғри амал қилувчи қонун яратилиши ҳамда ер ости бойлиқларидан фойдаланиш тизимидаги зиддиятларни бартарф қилади.

Давра суҳбатида қон тартибидаги масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Халқ сўзи

Халқ вакиллари — ҳудудларда

ИШ ЎРИНЛАРИНИ ЯРАТИШ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари айни кунларда ўзлари сайланган округларда бўлиб, аҳоли билан учрашувлар, очик мулоқотлар ўтказяпти, уларни йўналтираётган масалаларни ўрганимоқда.

Хусусан, парламент қўйи палатаси депутаты Мавжуда Ҳасанова Сурхондарё вилоятининг Узун туманида Давлат хизматлари қўрсатиш маркази фаолияти билан яқиндан танишди. Тадбиркор ва фуқароларға қўрсатилаётган хизмат сифати, улардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш борасидаги ишлар таҳлил қилинди.

Давлат хизматлари қўрсатиш марказида фуқароларнинг муурожаатларини ҳал этиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган. Ўтган йилда барча турдаги хизматларға 36 мингта муурожаат келиб тушган ва уларнинг барчаси қаноатлантирилган. Фуқаролар билан бўлган суҳбатда улар марказ фаолиятини янада тақомиллаштириш бўйича тақлифлар билдирди. Депутат берилган тақлифларни атрофлича ўрганиб чиқадиган бўлди.

М. Ҳасанова ушбу туманда янги иш ўринлари яратиш бўйича амалға оширилаётган ишлар билан ҳам танишди.

Маълум бўлишича, ҳудудда 2022 йилда янги иш жойлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросини бажариш борасида бир қатор ишлар амалға оширилган.

Жумладан, Аҳоли бандлиғига қўмаклашиш марказига шу йилнинг январь — май ойларида мингта яқин фуқаролар иш сўраб муурожаат этган бўлса, улардан 480 нафардан зиёди иқтисодиётнинг турли соҳаларига ишға жойлаштирилган. 198 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинган, 137 фуқаро турли касблар бўйича касб-ҳунар ўрганишға юборилган.

Бундан ташқари, “Устоз — шогирд” аънаналари асосида ҳунармандлар билан шартномалар тузилиб, Янги рўзор, Файзобод, Обизаранг, Қарашик, Бешкапа, Янги куч, Узунқишлоқ ва Бахористон каби маҳалларда 65 нафар фуқаро учун тукуччилик, “Дўстлик” МФИда беш нафар фуқаро учун темирчилик йўналишида ўқишлар ташкил этилган. Шу билан бирға, аҳоли бандлигини меҳнат ярмаркалари ташкил этиш орқали таъминлаш, турли соҳалар бўйича касб-ҳунарға ўқитиш йўналишларида ҳам бир қатор ишлар амалға оширилган.

Депутат М. Ҳасанова бу йўналишда олиб борилаётган ишларни эътироф этиб, уларни янада жадаллаштириш бўйича қатор тақлиф ва тавсиялар берди.

АНИҚЛАНГАН КАМЧИЛИКЛАР НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Наврўзбек Юсуповнинг Избоскан туманидаги ўрганишлари ҳам қизғин ўтмоқда.

Хусусан, депутат тумандаги “Тинчлик” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган тиббиёт муассасасида бўлиб, аҳолиға қўрсатилаётган тиббий хизматларнинг сифати билан яқиндан танишди.

Депутат шифокорлар, беморлар билан ҳам очик мулоқотлар ўтказди. Мазкур жараёнда фуқаролар соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ишларни эътироф этиб, тиббиёт муассасалари аҳолиға яқинлаётгани, уларнинг моддий таъминоти яхшиланаётгани ҳамда шифокорларнинг масъулияти ошганлигини мамнуният билан қайд этидлар.

Мулоқотлар давомида соҳани янада ривожлантириш бўйича тақлиф ва тавсиялар олинди. Аниқланган камчи-

ликлар эса ўз ечимини топадиган бўлди.

Шундан сўнг депутат “Истиқлом” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳоким ёрдамчиси билан мулоқотда бўлди. Маҳаллаларда тадбиркорлиқни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш, фуқароларни қийнаб келаётган муаммолар ечими борасида амалға оширилаётган ишлар билан танишди.

Ўрганишлар жараёнида депутат “Қўшқўпир” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам бўлиб, аҳолини йўналтираётган масалаларни ўрганди. Аниқланган муаммоларни бартарф этиш бўйича тегишли қоралар белгиллаб олинди.

Халқ вакилларининг ҳудудлардаги ўрганишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Эътибор

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан бўлиб ўтган очиқ мулоқотида соҳани янада ривожлантириш, тизимли муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари муҳокама қилиниб, тиббиёт ходимларининг таклифлари эшитилган эди.

Очиқ мулоқотта тайёргарлик доирасида тиббиёт ходимлари ва аҳолидан келиб тушган 25 мингдан ортиқ мурожаат ва таклифлар таҳлил қилиниб, “Тиббиётдаги ислохотлар — инсон қадри учун” деган эзгу гоя асосида юртимиз соғлиқни сақлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда халқимизга тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини оширишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси ҳам соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш мақсадида кенг

энг яхши патронаж ҳамшираси”, “Йилнинг энг яхши муолажа ҳамшираси”, “Йилнинг энг яхши тез тиббий ёрдам станцияси ҳамшираси” каби номинацияларда голиб деб топилганлар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Жамоа шартномаларига ходимларнинг ҳақ-хуқуқлари ҳимоясини кучайтирувчи меъёрлар, иш ҳақи миқдорини оширишни назарда тутувчи бандлар, иш вақти ва дам олиш вақти соҳасида қўшимча имтиёзлар, ижтимоий ҳимояни кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар киритилиши натижасида жамоа шартномаси орқали ҳар бир ходимга 1 йил давомида иш

МЕҲНАТКАШЛАР
МАНФААТЛАРИ –
ҲАР ДОИМ ҲИМОЯДА

қўламли ишларни бажариб келмоқда. Хусусан, тармоқ касаба уюшмаси томонидан фаолиятнинг устувор йўналишларида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олиниб, соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича тизимли ишлар олиб борилмақда.

Тармоқ касаба уюшмаси республика Кенгашининг ҳудудлардаги масъул ташкилотчилари томонидан белгиланган функцияларнинг бажарилиши ҳолати ҳамда бошланғич касаба уюшма ташкилотларидан тушган таклифлар таҳлил этилган ҳолда 2021 йилнинг февраль ойида тармоқ касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар Кенгаши ташкил этилди. Шунингдек, тармоқда ходимларнинг меҳнатга оид, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга хавфсиз ва муносиб меҳнат шaroитлари яратиш бўйича иш ҳажмининг ортганлиги сабабли республика Кенгашининг Тошкент шаҳар бўйича меҳнат ҳуқуқ ва меҳнат техник инспекторлари фаолияти йўлга қўйилди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар Кенгаши ўз фаолиятини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда янгича йўналишда олиб борапти. Хусусан, тармоқ тизимидаги тадбиркорлик субъектларида меҳнат қилаётган ходимларни касаба уюшмасига жалб этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, касаба уюшмасига аъзолик афзалликлари бўйича олиб берилган тушунтириш ишлари натижасида янги ташкил этилган касаба уюшмаси ташкилотларига таъсис ҳужжатларини расмийлаштиришда, фаолиятни тўғри йўлга қўйишда амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш тартибига қатъий амал қилиш, ижро интизомини мустаҳкамлаш мақсадида меҳнат инспекциялари томонидан ўтган йил давомида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга рояя этилиши устидан жамоатчилик назорати амалга оширилди.

Иш берувчилар ва уларнинг вакиллари, касаба уюшма фаоллари ҳамда ходимларнинг миллий ва халқроқ меҳнат стандартлари бўйича хабардорлиги ва салоҳиятини ошириш мақсадида меҳнат ҳуқуқи ва меҳнат муҳофазаси бўйича инспекторлар томонидан ўқув-семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Мазкур ўқув-семинар ва давра суҳбатларида ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилишга доир ҳақ-хуқуқлари, шунингдек, уларнинг мажбуриятлари тўғрисида батафсил тушунтиришлар берилди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ижтимоий шериклар билан ҳудудий тармоқ келишуви ва жамоа шартномаларини тузиш, томонларнинг мажбуриятларини бажариш бўйича ҳисобдорлигини ошириш, ходимлар учун муносиб меҳнат шaroитларини яратиш, бунда жамоатчилик назоратини ташкил қилиш бора-сида ҳам бир қанча ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар Кенгаши ва Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бошқармаси ўртасида 2021 — 2023 йилларга тўзилган тармоқ келишувида муювчиқ, ўтган йилнинг 12 майда Халқроқ ҳамширалар кунини муносабати билан байрам тадбири ташкил этилди. Мазкур тадбирда тиббиёт муассасаларида фаолият юрти-тиб келаётган ўрта тиббиёт ходимлари ораси-дан “Йилнинг энг яхши ҳамшираси”, “Йилнинг

ҳақидан ташқари сарфланган маблағ миқдори 2021 йилда Тошкент шаҳри бўйича ўрта ҳисобда 7 миллион 775 минг 459 сўмини ташкил этди.

Таъкидлаш керакки, ўтган йил давомида 1 миңг 55 нафар тиббиёт ходимига дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлаши учун касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга имтиёзли йўлланмалар берилди. Шу жумладан, 100 нафар кам таъминланган тиббиёт ходимлари, соҳа тизимида меҳнат қилаётган ишловчи пенсияерлар, кўп болали касаба уюшма аъзолари ҳам ушбу йўлланмалардан баҳраманд бўлди.

Республикада белгиланган байрамларнинг биринчи кунларида иш жадавали асосида ишланганлик ёки иш берувчининг фармойишига асосан шу кунларда ишга жалб этилган барча ходимларга, шунингдек, дам олиш (акшанба) кунлари ишлаган ёҳуд сменад тўрган ходимларга икки ҳисса миқдориди иш ҳақи тўланмоқда.

Ташкилот ва муассасаларда фаолият юрти-таётган ходимлар учун 2021 йил давомида иш берувчилар ва бошланғич касаба уюшма ташкилотлари томонидан яратилган меҳнат шaroитлари, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, иш берувчилар томонидан меҳнатни муҳофаза қилишга сарфланган маблағлар, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун талабларини бажариш бўйича олиб борилаётган ишлар ўрганиб чиқилиб, амалий ёрдамлар берилди.

Рақамларга мурожаат этсак, Тошкент шаҳри миқёсида ҳар бир ходимга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича сарфланган ўртача маблағ миқдори 2 миллион 485 минг 618 сўмини ташкил этганини кўришимиз мумкин. Хусусан, иш берувчилар томонидан ходимларни 2021 йил давомида махсус кийим-бош, махсус пойабзал, гигиена ювиш ва шахсий ҳимоя воситалари, хусусан, бир мартали қўлқоп, ниқоб, фартук, респираторлар билан таъминлаш мақсадларига тегишли маблағлар йўналтирилди.

Ўтган йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурида белгиланган бандлар ижросини таъминлаш масаласи ҳам Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар Кенгаши диққат марказида бўлди.

Шунингдек, ички туризмни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўиш мақсадида “Янги Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” шiori остида соҳа ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини мамлакатимизнинг маданий-тарихий мероси билан таништириш ҳамда касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари ўртасида фаолиятнинг устувор йўналишлари ва ижтимоий шериклик масалаларида ўзаро тажриба алмаишини таъминлаш мақсадида тармоқ касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан 200 нафар тиббиёт ходими учун Самарқанд шаҳрига саёҳат ташкил этилди.

Тиббиёт ходимлари, хусусан, ҳамширалар фарзандларини соғломлаштириш ва дам олдиришни ташкил этиш мақсадида улар учун “West Camp” оромгоҳига бепул йўлланмалар аксарилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ўз бурчи ва қасамига содиқ қолиб, коронавирус пандемиясига қарши кураиш ишларида фидойилик кўрсатиб келаётган соғлиқни сақлаш ходимлари, соҳада меҳнат қилаётган кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалардан бўлган ходимлар ва ёлғиз оналарнинг фарзандларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва маънавий рағбатлантириш мақсадида шу тоифадаги тиббиёт ходимларининг 1400 нафар фарзандларига ўқув қуроллари ва дарсликлар совға қилинди.

Умуман, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан тармоқ тизимидаги нодавлат ташкилотларида ишловчи ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, соҳага оид нодавлат ташкилотларини касаба уюшмаси аъзолигига жалб этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш, тиббий қўриқдан ўтганда ходимлар чиқимдор бўлмаслиги, иш жойларини шаходатдан ўтказиш, тиббиёт ходимларини махсус кийим-бош билан иш берувчи томонидан таъминланиши каби долзарб масалаларга эътибор кучайтирилиб, жамоатчилик назорати олиб борилмақда.

Белгиллаб олинган вазифаларнинг қўламини кенг. Буларнинг бarchиси меҳнаткашларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш ишларини кучайтиришга хизмат қилиди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Матбуот хизмати раҳбари.

МАМЛАКАТИМИЗДА
ГУРУЧ ТАҚЧИЛЛИГИ ЙЎҚ
Лекин бу хотиржамликка асос бўлмайди.

Гуруч дунё аҳолисининг тўртдан уч қисми учун энг муҳим озиқ-овқат маҳсулоти саналади. Ушбу неъматни энг кўп истеъмол қиладиган давлатлар учлигини узоқ йиллардики, Хитой, Ҳиндистон ва Бангладеш бошқаларга бермай келади. Масалан, 2020 йилда Хитойда ялпи гуруч истеъмоли 149 миллион тоннани ташкил этди. Бирок бугун нафакат Осиё, балки деярли барча халқларнинг ошхонаси таомномасини гуручли ёгуликларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бунини дунё аҳолиси жон бошига гуруч истеъмоли йилга 53,9 килограммини ташкил этаётгани ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

Дарҳақиқат, ўзбек халқи учун гуруч азалдан энг муҳим истеъмол товарлари қаторидан жой олган. Аксарият миллий таомларимиз, айниқса, тўй-базмларимиз гуруч асосида тайёрланадиган шохона миллий таом — паловсиз ўтмайди. Шу боис ушбу дон маҳсулотига талаб ҳар доим юқори. Ана шу эҳтиёжни тўлиқ таъминлаш мақсадида шoliчиликни ривожлантириш, экин майдонларини кенгайтириш, ушбу тармоққа инновацион агротехнологияларни жорий этишга устувор аҳамият қаратилляпти.

Президентимизнинг 2021 йил 2 февралдаги “Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори шoliчилик истиқболида янги саҳифа очиб берди. Негаки, ушбу ҳужжат асосида анча йиллардан буюн эътибордан четда қолиб келган шoliчиликка бўлган муносабат ўзгарди. Шоли етиштириш, сақлаш ва қайта ишлашнинг самарали тизими яратилмоқда. Мақсад — ички истеъмол бозорини гуруч маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш ва экспорт салоҳиятини оширишдир.

Шoliчилик: кеча, бугун, эртага

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига қараганда, 2021 йилнинг 1 октябры ҳолатига кўра, барча тоифадаги ҳўжаликлар томонидан қарийб 116 минг тонна шоли етиштирилган. Агар бу рақам аввалги йилнинг мос даври билан қиёсланса, 2,9 фоиз ошгани ойдинлашади. Бунини ҳудудлар бўйича таҳлил қилсак, Хоразм вилоятида 58,2 минг тонна, Андижон вилоятида — 25,3 минг, Фарғона вилоятида — 14,5 минг, Сирдарё вилоятида — 5,6 минг, Тошкент вилоятида — 5,5 минг, Наманган вилоятида 5,3 минг тонна шоли етиштирилганига ғувоҳ бўламиз.

Тўғри, бу рақамларда мавсум йил якуни қамраб олинмаган. Йил якуни бўйича 611 минг тоннадан ортиқ шоли ўриб-ячиб олиниши прогноз қилинган эди. Шу маънода, соҳада ҳамма ишлар бадастир кетаётгани, мамлакатда шoliчиликнинг бугунги аҳоли у қадар ёмон эмаслиги ойдинлашади. Аммо гап 35 миллионлик мамлакат аҳолисини сиқати гуруч маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, экспорт қилиш ҳақида кетаётганини инобатга олсак, ҳали олдинда бажарилиши зарур ишлар қўлигига амин бўламиз.

Жаҳон иқтисодиётида сакланиб турган бекардорликлар таъсирида қўплаб мамлакатларда озиқ-овқат ҳавфсизлиги кескинлашмоқда. Бошқа истеъмол товарлари қатори гуручга бўлган талаб орди борапти. Бирок қоронавирус пандемияси, иқлим ўзгариши оқибатлари таъсирида қишлоқ ҳўжалиги экинларидан мўлжалдаги ҳосил олинмаётганидан ҳам кўз ўнгимаймиз. Мисол учун, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (FAO) прогнозларига кўра, ҳажонда 2020 йилда 750 миллион тонна гуруч ишлаб чиқарилиши керак экан. Амалда эса бундай бўлмади. Қарийб 510 миллион тонна оқланган гуруч ишлаб чиқарилди.

Кўчатлаб экиш усули ўзлаштирилмоқда

Табий савол туғилади: сув ва ер ресурслари чекланган Ўзбекистон шaroитида шoliчиликдан янада мўл ҳосил олишнинг имкони борми?

Албатта, бор. Фақат бунинг учун, энг аввало, тармоқда серхаражат ва самараси паст усуллардан воз кечиб, ресурс тежамкор ва замонавий агротехнологияларни қўллаш лозим. Чунки республикада ҳар йили қарийб 130 минг гектарда шоли парваришланса, шунинг тенг яримдан кўпроги асосий экин сифатида жойлаштирилади. Қолган қисми эса ғалладан бўшшган майдонларда экилади. Айни шу жиҳат шoliчиликда сувни тежайдиган технологиялар, теплишар навларни жойлаштиришни тақозо қилад. Бунинг синалган усули — экин ерларини лазерли ускуналар ёрдамида текислаш, қўчатлаб экишдир. Негаки, тадқиқотларнинг кўрсатишича, обиҳаётнинг беҳуда йўқотилишига кўп жиҳатдан экин майдонларининг нотекислиги сабаб бўлар экан. Қўчатлаб экиш усули эса такорорий экин сифатида шoliдан баракали ҳосил олишни қалолатлайди.

Шунинг учун Президент қарориди 2022 йилда жами шоли майдонларининг камида 40 фоизиди қўчатлаб экиш, камида 70 фоизиди лазер ускунаси ёрдамида ер текислаш тизимини жорий этиш, камида 50 фоизиди шoliини замонавий уруғ севкалари орқали экиш белгилан берилди.

Бунинг изчил ижросини таъминлаш

мақсадида Жанубий Кореянинг “Tong Yang Moolsang” компанияси билан ҳоркорлик йўлга қўйилгани эътиборга молиқдир. Натижада мазкур компаниянинг замонавий машиналари ёрдамида шoliини қўчатлаб экиш усули ўзлаштирилмоқда. Ушбу янги технологиянинг афзаллиги шундаки, уруғлиқни 70 — 75 фоизгача тежаш, сувдан 20 — 25 фоизгача унумли фойдаланиш баробарида, вегетация даврини қисқартириб, ҳосилдорлиқни оширади.

Шoliчилик илмий-тадқиқот институти мутахассисларининг айтиишича, шoliини қўчат усулида экиш уруғ сепиш усулига қараганда анча самаралидир. Шунинг учун бугунги кунда дунёда ялпи шоли ҳосилининг 95 фоиздан ортиғи қўчатлаб экилган майдонлар ҳисобидан олинади. Юртимизга қўчат қадашда қўлланадиган хорижнинг замонавий ускуна ва машиналари олиб келиниб, ушбу усул энди-энди оммалашмоқда. Натижада деҳқонларнинг юмуши осонлашяпти. Айтайлик, қўл меҳнати ёрдамида 1 гектар майдонга ўртача 12 соатда қўчат қадаб бўлинса, шуна вақт ичидида кўлда ишлайдиган агрегатлар ёрдамида 1,5 гектарга, машиналар орқали эса 7-8 гектарга шоли ниҳолларини ўтказиб чиқиш мумкин.

Тармоқ истиқболи — кластерлар қўлида

Дунё ҳамжамиятининг шoliчиликка нисбатан эътибори кучайгани беҳиз эмас, албатта. Чунки гуруч таркибида 78 фоизгача углеводлар мавжуд бўлиб, тиамин-В1, рибофлавин-В2, ниацин-В3, В6, Е витаминлари бор. Шунингдек, у фосфор, рух, темир, кальций, йод ҳамда калий моддасига бойки, бу организмда модда алмасиувини яхшилайдиг, организмга бошқа маҳсулотлар билан тушадиган туз миқдорини меъёрлаштиради.

Шoliчининг озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш, инсон саломатлигини мустаҳкамлашдаги шу каби муҳим ўрнини инобатга олган ҳолда уни кластер усулида ривожлантириш чора-тадбирлари қўрилмоқда. Яъни Қорақалпоғистон Рес-

“Шолининг озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш, инсон саломатлигини мустаҳкамлашдаги шу каби муҳим ўрнини инобатга олган ҳолда уни кластер усулида ривожлантириш чора-тадбирлари қўрилмоқда. Яъни Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм ва Тошкент вилоятларининг жами 24 туманида қарийб 30 та шoliчилик кластери ташкил этилди. Уларга 75 минг гектардан ортиқ ер майдонлари ажратиб берилди.

публикаси, Андижон, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм ва Тошкент вилоятларининг жами 24 туманида қарийб 30 та шoliчилик кластери ташкил этилди. Уларга 75 минг гектардан ортиқ ер майдонлари ажратиб берилди.

Шoliчиликда ҳам кластер усулига ўтилаётганининг бир неча сабаби бор. Биринчиси, қишлоқ ҳўжалигининг пахтачилик, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик тармоқларида ўзини оқлаган ушбу инновацион усул шoliчиликда ҳам юқори самаралар бера бошлади.

Иккинчиси, кластер шoliчиликни саноатлаштириш, қайта ишлашга замонавий технологияларни татбиқ қилиш имконини берапти.

Учинчиси, қишлоқ аҳолиси бандлиғи таъминлашда қўшимча имкониятларни яратмоқда.

Чиндан ҳам, Қорақалпоғистон Республикаси мисолида айтганда, 8 та шoliчилик кластери фаолият кўрсатаётган бўлса, улар ичтибирида саккизта шoliини қайта ишлаш теғирмони, сийғими 15 минг 650 тонналик ёпиқ, 500 тонналик очиқ омборлар мавжуд. Теғирмонларнинг йиллик қайта ишлаш замирида 111,5 минг тоннага тенг. Лекин ушбу қувватнинг атиғи 22,1 фоиздан фойдаланиляпти, холос. Сабаби оддий. Етиштирилаётган ҳосил салмоғи кам бўлиб, аввалги мавсумда жами 25 минг тонна шоли йиғиштирилиб олинган.

Ҳар бир ҳудуд тупроқ, иқлим шароитига мос навларни танлаш, суғоришнинг тежамкор усулларини қўллаш орқали ҳосилдорлиқни оширишга қаратилган тизимли ишлар замирида мавжуд қувватлардан тўлиқ фойдаланиш, гуруч нархи барқарорлигини таъминлаш мўжассам, аслида.

Саноат занжири яратилди

Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманидаги “TCT Rice” масъулияти чекланган жамияти мамлакатимиздаги қалдирғоч шoliчилик кластери ҳисобланади. Қўп тармоқли “TCT Cluster” кластери таркибидаги ушбу жамиятда кластер усулида маҳсулот етиштириш ва уни чуқур қайта ишлаш бўйича тўлиқ саноат занжири яратилган.

Гап шундаки, кластер томонидан тумандаги “Сурум” МФЙ ҳудудида шoli-

ни қайта ишлаш ва сақлаш мажмуаси бунёд этилди. Маҳмуанинг умумий майдони 6 гектар бўлиб, у ўзида хирмон майдони, умумий сийғими 15 минг тонналик 2 та ёпиқ омбор, шoliини тозалаш ва қуритиш цехи ҳамда шoliини қайта ишлаш замонавий заводини бирлаштирган.

Бу ерда шоли сақлашда ҳам янги технология қўлланиляпти. Яъни ҳар бири 1 тонналик махсус қолларга жойланган ҳолда, омборларга пешма-пеш жойлаштирилади. Бу ҳосилни яхши сақлаш ва юқори сифатли гуруч ишлаб чиқариш имконини беради.

Шoliини тозалаш ва қуритиш цехи тўртта линия билан жиҳозланган бўлиб, уларнинг ҳар бири орқали бир сменад 120 тонна шoliини қуритиш мумкин. Яна бир эътиборли жиҳати, улар муқобил ёқилғи — кўмирда ишлашга мослаштирилган. Шунингдек, мазкур замонавий цехда бошқа қишлоқ ҳўжалиги экинлари, хусусан, дуққакли маҳсулотларни ҳам тозалаш ва қуритиш мумкин.

Шoliини қайта ишлаш заводи Марказий Осиёдаги энг йирик қувватга эга-лиги билан аҳралиб туради. У Туркиянинг “Yashar Makina” компаниясидан келтирилган энг сўнгги русумдаги ускуна ва дастгоҳлар билан жиҳозланган. Улар ёрдамида энг юқори навадги гуруч маҳсулотлари ишлаб чиқарилади ва бююртмачи талабидан келиб чиққан ҳолда, сийғими 2 килограммдан то 50 килограмм-



лиги билан воситачи ҳамда чакана сотувчилар нархлари ўртасидаги фарқ ўртача 56,5 фоиз (фермер ҳўжалигида 1 килограмм гуручининг сотиш баҳоси 3161,6 сўм / 1 килограмм гуручининг бозордаги нархи 5 600 сўмини) ташкил қилайтер. “Лазурний” навли гуручининг 1 килограмми нархи эса 18 минг — 20 минг сўмгача бўлиши истеъмолчилар учун баҳо юки бўлиб ҳисобланади.

Бундай ҳолатда, иқтисодиёт назариясига асосланиб, паст нархлар стратегияси усулини жорий этиб, воситачи ва чакана сотувчиларга гуруч нархига бериладиган ҳар хил чегирмалар ҳамда рағбатлантиришларни бекор қилиш, маҳсулотларни фирма

дўконлари ёки супермаркетлар орқали сотишни амалга ошириш мақсада муювчиқ, деб ҳисобланимиз.

Паст нархлар стратегияси усулида компанияда қабул қилинган нарх сиёсатига биноан ўрнатилган фойда ставкиси адолатли нарх белгилашга иқтисодий асос бўлиб хизмат қилад. “Procter & Gamble” хорижий компаниясининг бу борада тутган йўли сўзимиз исботидир.

“Procter & Gamble” компанияси янги “ҳар кунги паст нархлар” стратегиясини шакллантириш жараёнида сотувни рағбатлантириш сиёсатидан воз кечиб, ўз маҳсулотларига доимий бир хил нархни белгилаш стратегиясини амалга оширмоқда. Авваллари компания томонидан фойдаланиб келинган ҳар қандай нарх чегирмалари ва воситачиларни рағбатлантириш усуллари бекор қилинган.

Амалиётнинг кўрсатишича, ишлаб чиқарувчилар томонидан воситачиларга чакана нархларни пасайтириш шарт билан турли чегирмалар ва рағбатлантириш усуллари таклиф этилган. Бирок воситачилар аксарият ҳолларда нархларни олдинги даражада сақлаб туриб, берилган чегирмалар натижасида қўшимча фойдага эга бўладилар.

Фикримизча, паст нархлар сиёсатидаги бундай ёндашувга сотувдаги чегирмалар маълум бир даврга таалуқли бўлганлиги сабабли, харидор ва воситачи ташкилотлар ҳам бююртма-нинг асосий қисмини шу давр мубай-нида паст нархда сотиб олишга ҳаракат қиладилар. Чегирмалар мавжуд бўлмаган вақт оралиғида улар томонидан маҳсулот сотиб олишга одатий ҳолатда арзимас бююртмалар бериш билан қиёфаланганликларини кузатиш мумкин. Натижада воситачилар маҳсулотнинг асосий қисмини паст нархларда сотиб олиб, қўшимча фойдага эга бўладилар. Оқибатда ишлаб чиқарувчи ва воситачиларнинг мавсумий вақт оралиғидаги юқори фойда даражасига эришиш мақсади истеъмолчиларнинг зиммасига асосланмаган юқори нарх қўринишида тушади.

Юқоридаги ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида аксарият ишлаб чиқарувчилар бозорда ўз нархларини доимий бир хил даражада ушлаб туришга ҳаракат қиладилар.

Шўрки, бугун республикаимизда гуруч тақчиллиги йўқ. Бозорларимизда маҳсулот сероб. Ҳатто расталаримизни хориждан келтирилган гуручлар ҳам беэаб турибди. Лекин бу хотиржамликка асос бўлмайди. Негаки, кейинги йилларда маҳсулотга бўлган эҳтиёж ҳар доимигдан-да ортиб бормоқда. Бу эса шoliчиликни замон талаблари асосида ривожлантиришни тақозо қилад.и.

Баҳодир ҲАСАНОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети Молиявий таҳлил ва аудит кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори.
Каржаубай НУРМАНОВ,
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети катта ўқитувчиси.

ГАЛДАГИ ВАЗИФА — МАВСУМНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон Кенгаши томонидан Мўйноқ туманидаги “Оқ кема” болалар соғломлаштириш оромгоҳида “2022 йилнинг ёзги соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ташкил этиш” мавзuida ҳудудий семинар ташкил этилди.

Семинар

Семинарда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги барча болалар оромгоҳлари раҳбарлари, уларда фаолият кўрсатувчи педогоглар, тегишли вазирликлар вакиллари, шунингдек, умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этиладиган “Соғломлаштириш майдончалари” фаолиятига шахар ҳамда туманлар халқ таълими бўлиmlаридан маъсул этиб белгиланган ҳодимлар, маҳаллий ҳокимликлар мутасаддилари қатнашди.

Дастлаб семинар қатнашчилари “Оқ кема” болалар соғломлаштириш оромгоҳида жорий мавсумга тайёргарлик бўйича амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишдилар.

Шундан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари А. Дониёров, Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ҳамда мониторингни таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси мувофиқлашти-

рувчи гуруҳи раиси ўринбосари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон Кенгаши раиси У. Жалмонов, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ҳодимлари касаба уюшмаси республика Кенгаши раиси ўринбосари Б. Султонов ёзги соғломлаштириш мавсумини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш бўйича олдинда турган долзарб вазифалар юзасидан батафсил тушунтириш берди.

Халқ таълими, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Маданият, Спортни ривожлантириш вазирликлари масъуллари ўз чиқишларида оромгоҳларда ўғил-қизларнинг ҳар томонлама хавфсизлигини таъминлаш, саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда соғломлаштириш, маънавий ва жисмоний камолотига муносиб ҳисса қўиш борасида олиб борилиши лозим бўлган асосий вазифалар ҳусусида алоҳида тўхтади.

Семинар якунида жорий ёзги соғломлаштириш мавсумини сифатли ва мазмунли ўтказиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

СЕУЛНИНГ АҲОЛИ ГАВЖУМ ЖОЙЛАРИДА ТОШКЕНТНИНГ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ



Тошкентнинг замонавий инфраструктураси, диққатга сазовор жойлари, миллий тоғмлари, халқ маданиятига бағишланган видеороликлар Сеул шаҳар маъмурияти қаршисида жойлашган йирик ҳажмдаги марказий монитorda, метронинг энг гавжум бўлган 10 та бекатида намоийш қилинди. Тошкент шаҳри ҳақидаги видеоролик намоийш этилаётган метро бекатларида йўловчилар қатнови кунига қарий 1 миллион нафарни ташкил қилади.

Бундан ташқари, Тошкентнинг гўзаллигини акс эттирувчи видеотасвирлар Сеул мэрияси томонидан бошқариладиган марказий рақамли ахборот тизимига кирувчи 100 га яқин мусасасанинг экранларида эфирга узатилди.

Булар қаторида Жанубий Корея пойтахтидаги музейлар, театрлар, илмий-маърифий марказларни санаб ўтиш мумкин.

Эътиборлики, икки мамлакат пойтахтлари ўртасидаги биродарлик алоқалари доирасида Сеулнинг туризм салоҳияти ҳақидаги видеороликлар айна кунларда Тошкент шаҳридаги марказий мониторларда ҳам кўрсатилди.

Пойтахтимиз сайёҳлик салоҳияти тўғрисидаги видеолавлар Жанубий Корея аҳолиси томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди ҳамда биродар шаҳарлар ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқда. Мазкур тадбир, шубҳасиз, юртимизнинг туризм

Шу йил май ойидан бошлаб Тошкент шаҳрининг сайёҳлик салоҳиятини ўзда акс эттирувчи видеороликлар Жанубий Корея пойтахтининг марказий кўчалари ва аҳоли гавжум бўлган жамоат жойларида намоийш этилмоқда.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея пойтахтлари ўртасида 2010 йилда ўрнатилган ўзаро биродарлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги дипломатик алоқаларнинг 30 йиллигини кенг ишонлаш доирасида амалга оширилаётган мазкур тадбир 24 майга қадар давом этди.

Биз ва жаҳон

салоҳиятини Жанубий Кореяда сезиларли даражада тарғиб қилишга ва ушбу мамлакатдан кўплаб сайёҳлар оқимида юртимизга жалб этишга хизмат қилади.

Ли Жунхо, Сеул мэрияси халқаро алоқалар бўлими ходими:

— Бу йил Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 30 йил тўлиши билан аҳамиятлидир. Шу боис икки давлат пойтахтлари — Тошкент ва Сеул шаҳарлари ўртасида ўтказиладиган тадбирларда иштирок этаётганимиздан мамнунмиз. Коронавирус билан боғлиқ вазият барқарорлашгани сари Тошкент ва Сеул ўртасидаги

ҳамкорлик янада фооллашади, деб умид қиламиз.

— Тошкент шаҳри ҳақида намоийш этилаётган видеороликлар жуда ҳам қизиқарли ва таъсирли экан, — дейди **Жанубий Корея фуқароси**. — Уни кўрганмиздан сўнг менда Тошкент ҳақида янада кўпроқ маълумот олишга қизиқиш пайдо бўлди. Коронавирус билан боғлиқ вазият барқарорлашгандан сўнг, албатта, Ўзбекистонга боришни режалаштирялман. Тошкентнинг “Марварид шаҳар” деган чиройли ном билан аталиши менга жуда ҳам ёқди. Шунинг учун ҳам яқин келажақда юртимизга саёхат қилиш ниятидаман.

«Дунё» АА.

«ЎЗМИЛЛИЙБАНК» АЖ

ҚАШҚАДАРЁДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШМОҚДА



Мамлакатимизда янги иқтисодий ривожланиш босқичида хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, хизматлар соҳаси мамлакат иқтисодий юксалишида, арзон иш ўринлари очиш ва камбағалликни камайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Айни чоғда, мамлакатда меҳнат унвондорлигини ва инсон капиталини ошириш, халқаро савдони кенгайтириш имкониятлари ҳам хизматлар соҳаси ривожини билан бевосита боғлиқ.

Молия муассасаларида

Хусусан, 2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарориди бу соҳани муҳим драйверга айлантириш ва 2023 йилга қадар хизматлар ҳажмини икки бараварга ошириш вазифаси белгиланди. Ушбу қарор иқроси доирасида Қашқадарё вилоятида хизматлар соҳасини ривожлантиришда “Ўзмиллийбанк” АЖ иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар билан оммавий ахборот воситалари вакиллари таништириш мақсадида пресс-тур ташкил этилди.

Пресс-тур иштирокчилари дастлаб “Ўзмиллийбанк” АЖнинг Қашқадарё вилояти филиали фаолияти билан танишдилар.

“Ўзмиллийбанк” АЖ Қашқадарё вилояти филиали 1992 йил 3 августда ташкил топган бўлиб, шу кунга қадар вилоятнинг бир қатор ҳудудларида фаолият олиб борапти. Жумладан, Қарши, Ғузор, Шахрисабз ва Муборак туманларида банкнинг 4 та филиали хизмат кўрсатиб келаётган бўлса, Нишон туманида 1 та Банк хизматлари маркази (БХМ) аҳолига намунали хизматларни тақдим этмоқда.

Танишув чоғида банк филиаллари ва банк хизматлари марказлари томонидан ажратилган кредитлар ҳисобидан Қашқадарё вилоятида катта майдонларда интенсив боғлар, йирик сийимли замонавий музлаткичлар, савдо ҳамда маиший хизмат кўрсатиш марказлари, умумий овқатланиш масканлари ташкил этилгани маълум қилинди.

Филиалда жами 272,8 мингта миқозга хизмат кўрсатилади. Шундан 257,1 мингтаси жисмоний шахслар ва 15,7 мингтаси юридик шахслар ҳисобланади. Жисмоний шахсларнинг жами депозит қўйил-

малари 59,5 млрд. сўмини ташкил этаётди. Тўлов пластик карточкаларидан фойдаланишда қулайликлар яратиш мақсадида жойларда 18 та банкомат, 18 та инфокиоск, 1 минг 822 та савдо терминали ўрнатилган. Бундан ташқари, аҳолига валюта амалиётларида қулайликлар яратиш мақсадида вилоят ҳудудида 5 та валюта айирбошлаш шохбосчаси ва 24/7 тартибда хизмат кўрсатувчи учта автоматлаштирилган валюта айирбошлаш пункти (банкомат) аҳолига ҳамда хорижий меҳмонларга хизмат кўрсатмоқда.

Ўтган йилда саноат соҳасида 466,3 млрд. сўмлик 29 та лойиҳа, қишлоқ ҳўхалигида 354,3 млрд. сўмлик 17 та лойиҳа, хизмат кўрсатишда 109,2 млрд. сўмлик 139 та лойиҳа амалга оширилди, — дейди “Ўзмиллийбанк” АЖ Қашқадарё вилояти филиали бошқарувчиси Дилмурод Саидов. — Тадбиркорлик субъектларида ўз вақтида кредит маблағлари ажратилиши натижасида 2 минг 296 та янги иш ўрни яратилгани ҳам энг катта ютуқларимиздан бири бўлди. Филиалда замонавий инновацион банк хизматлари кўрсатилишига алоҳида аҳамият қаратилган. Миқозларнинг 54 фоизи масофадан бошқариладиган банк хизматларидан фойдаланимоқда.

Бунда ҳисоб рақамларда банк айланмаларини амалга ошириш, онлайн кредит расмийлаштириш ёки кредит қарздорлигини қоплаш, халқаро ва миллий пластик карточкаларда ҳар қандай банк амалиётлари ҳамда тўловларни амалга ошириш, омонат расмийлаштириш, хорижий валюталарда конверсион амалиётлар, пул ўтказмалари каби банк хизматларидадан масофадан фойдаланиш мумкин. Қашқадарё вилояти тўқимачилик ва

текстиль маҳсулотлари, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда боғдорчиликка ихтисослаштирилган бўлиб, бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳаси вилоятнинг асосий драйверига айланиб ўлгулди.

Пресс-тур иштирокчилари Шахрисабз туманида жойлашган “Love City” масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган “Райхон боғи” аҳоли маданий дам олиш маскани фаолияти билан танишдилар. Келин-куёвларнинг бахтли лаҳзаларини суратловлар муҳрлаш, видео хизмати, болалар учун турли ўйинлар ҳамда йигит-қизлар учун кўнгилчор тадбирлар ташкил этилаётган ушбу мўъжиза боғ мажмуаси 2018 йилда барпо этилган бўлиб, “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан ажратилган 1 млрд. сўм кредит эвазига янада кенгайтирилди.

— Банк кўмаги ва ўзимизнинг 500 миллион сўм маблағимиз эвазига “Райхон боғи” мажмуаси янада кўркам ва гўзал масканга айланди, — дейди “Love City” МЧЖ раиси Ғолиб Норбоев. — 1,5 гектар жойни эгаллаган кўнгилчор масканга ҳар кун и юзлаб болалар, ёшлар ҳамда кексалар келиб ҳордиқ чиқаради. Банк билан ҳамкорлигимиз ҳар икки томон учун ҳам манфаатли бўлмоқда ва бундан жуда мамнунмиз.

Шахрисабз туманидаги яна бир савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи “Anhor Kesh” масъулияти чекланган жамияти томонидан “Ўзмиллийбанк” АЖ билан ҳамкорликда ташкил этилган “Анҳор” савдо марказининг замонавий услубдаги дизайн ҳамда интерьерини ҳар қандай миқоз эътиборини торттиш табиий.

Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 5 млрд. сўмини ташкил қилиб, шундан “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан Тикланиш ва тараққиёт



жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2 млрд. сўм кредит ажратилди.

— Банкнинг кўмаги ва 3 миллион сўм ўз маблағимиз ҳисобига “Анҳор” савдо марказида 23 та савдо дўкони барпо қилинди, — дейди “Anhor Kesh” масъулияти чекланган жамияти раиси Инобат Жовлиева. — Бугунги кунда марказда 30 нафар фуқаро доимий иш билан банд. Марказ доимо гавжум. Чунки бу ерда харидорлар учун барча турдаги товарлар мавжуд.

Пресс-турнинг иккинчи кунинда иштирокчилар дастлаб Қарши шаҳрида жойлашган “Parizoda Oltin Yulduz” HTM фаолияти билан яқиндан танишдилар. Мазкур таълим марказининг умумий қиймати 500 млн. сўмини ташкил қилса, шундан 200 млн. сўми банк кредитини ташкил этади. Ушбу ўзв маркази касб-хунарга ихтисослаштирилган бўлиб, хохловчилар қандолатчилик, тикувчилик ва сартарошлик каби йўналишларда хунар ўрганиб, ўз бизнесини ташкил этиш учун имконият яратилган.

Навбатдаги манзил — Қарши шаҳрида жойлашган “Elaton Savdo Servis” хусусий корхонаси. Бу корхона “Ўзмиллийбанк” АЖ билан ҳамкорликда шаҳар аҳолиси ва меҳмонларга намунали хизмат кўрсатиб келаётган супермаркет фаолиятини йўлга қўйган. Супермаркет расталарини озик-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириш учун умумий ҳисобда 4 млрд. сўм сарф қилинган бўлса, шундан 2,5 млрд. сўми банк томонидан ажратилган кредитдир.

Шундан сўнг пресс-тур иштирокчилари Ғузор туманида жойлашган “Содиқбек Қахрамон ўғли” МЧЖ фаолияти билан танишдилар. Бугунги кунда 5 нафар ҳодим фаолият юритаётган мазкур мўъжизага болалар маймалари ва маданий дам олиш маскани лойиҳасининг умумий қиймати 950 млн. сўмга тенг бўлса, шундан 500 млн. сўмини банк кредити ташкил этади.

Ғузор туманидаги “Обод” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган “Al Khorazmiy School” МЧЖ томонидан очилган “Мухаммад ал-Хоразмий” ўқув маркази пресс-тур иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. 2020 йилда “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан тақдим этилган 500 млн. сўм кредит ва тадбиркорнинг 1 млрд. сўм маблағи эвазига барпо қилинган бу муқташам ўқув маркази тезда тилга тушди. Хозирда 500 нафар ўғил-қиз инглиз тили, математика ва бошқа фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганмоқда.

— Банк билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйганимиз ўзининг ижобий самараларини берди, — дейди “Al Khorazmiy School” МЧЖ

Умуман олганда, “Ўзмиллийбанк” АЖнинг хизмат кўрсатиш соҳаси ривожига қўшаётган ҳиссаси йил сайин ошириб борапти. Бу борада банкнинг Қашқадарё вилояти миқосидаги фаолияти оммавий ахборот воситалари ҳодимлари учун ўтказилган пресс-турда ҳам ўз ифодасини топди.

«Ўзмиллийбанк» АЖ матбуот хизмати билан ҳамкорликда
Фахридин БОЗОРОВ таъкирлади.

Хизматлар лицензияланган.

12 ойлик кафолат.

5 йил бепул сервис хизмати кўрсатилади.

Нархи 10 миллион 950 минг сўм.

Мурожаат учун телефонлар:

95-169-68-51, 71-279-38-54.

Китоб жавонингизга

Янги авлод дарсликлари

Президентимиз томонидан амалга оширилаётган таълим тизимидаги ислохотлар мазмун-моҳияти юртимизда инсон капиталига эътиборни кучайтириш, меҳнат бозори талабларига жавоб бера оладиган, иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқлари учун замонавий билим ҳамда кўникмаларга эга олий маълумотли кадрлар тайёрлашга қаратилаётгани билан эътиборга молик.

Бу жараёнда Кўкон университети профессор-ўқитувчилари ҳам битирувчилар касбий-малака даражасининг халқаро меҳнат бозорида тан олиншини таъминлаш борасида бор илмий имкониятларини сафарбар этишяпти. Хусусан, ўқув адабиётларининг замонавий авлодини яратиш, фан дастурлари (силлабуслар) асосида амалий қўлланмаларни тайёрлашга алоҳида урғу берилмоқда. Зеро, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ёзганидек, “Китоб — беминнат устоз, билим ва маънавий юксалишга эришишнинг энг асосий манбаидир”.

Куйида олий ўқув юрти олимлари томонидан нашр этилган янги авлод дарсликлари билан танишишнинг зарури.

«Молия бозорлари ва институтлари»

Ушбу дарсликда иқтисодиётнинг ривожланиш тарихи, халқаро молия бозорининг асосий шакллари босқичлари, дунё молия бозорининг ривожланишида жажон тенденциялари ёритилган. Шунингдек, республикада молия бозорининг шаклланиши, тараққиёт этган мамлакатлардаги иқтисодий ислохотлар ва жамиятимизнинг менталитети-га хос тарзда танлаб олинган ривожланиш моделига асосланган босқичлари очиб берилган. Мустақиллик йилларида соҳада амалга оширилган ислохотлар, қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар моҳияти шарҳланган.

«Макроиктисодиёт»

Мақсуд дарсликда макроиктисодий барқарорлик шартлари ва иқтисодий ривожланишнинг асосий омиллари, пул-кредит ва фискал сиёсатнинг бугунги кундаги аҳамияти билан боғлиқ билимлар баён этилган.

Китобнинг ўқувчилар томонидан осон ўрганилиши ҳамда янада жозибадорлигини ошириш мақсадида макроиктисодиётга оид илғор хорижий адабиётларнинг сўнгги нашрларидаги топириқлар, масала-миқослар ва кейспаридан кенг фойдаланилган.

«Инвестицион жозибадорликнинг назарий, методологик ва амалий талқини»

Мазкур монографияда инвестициявий муҳит жозибадорлигининг илғор назарий-методологик талқини, маълумот ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ва ривожланишини таъминлаш бўйича устувор йўналишлари, инвестициявий жозибадорликни баҳолаш методологиясининг мазмун-моҳияти тушунарли тарзда очиб берилган. Шунингдек, инвестициявий муҳит фаоллигини оширишга қаратилган эконометрик, статистик ва иқтисодий таҳлилларни амалга ошириш асосида келажақдаги ривожланиш стратегиялари бўйича таклиф ҳамда ҳулосалар бериб ўтилган.

Монографияда кўтарилган масалалар, олиб берилган таҳлил натижалари ва чиқарилган ҳулосалардан профессор-ўқитувчилар, илмий изланувчилар, олий таълим муассасаларининг магистратура ва бакалавр босқичи талабалари ҳамда шу соҳага қизиқувчи амалиётчи-мутахассислар фойдаланиши мумкин.

«Халқ сўзи».

КИЧИК НОВВОЙХОНА

Ишлаб чиқариш ҳажми, бир соатда:

- 1) Нон (лепёшка) — 60 та.
- 2) Булочкалар 15х15 см. — 108 та.
- 3) Сомса 12х12 см. — 128 та.

керамик иситкичларда (тандир усулида)

4) Пицца 45х45 см. — 20 та.

Электр энергияси истеъмоли сарфи — 8.4 кВт.

Ёнгинга хавфсиз, кучланиш ўзгаришига мослаштирилган (фаза номунасблги).

12 ойлик кафолат.

5 йил бепул сервис хизмати кўрсатилади.

Нархи 10 миллион 950 минг сўм.

Мурожаат учун телефонлар:

95-169-68-51, 71-279-38-54.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 548. 31 488 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзлонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўлаб-қўлаб тақриз қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайдиган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термидан ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик ҳажмдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.26 Топширилди — 22.45 1 2 3 4 5 6